БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 109 (17.987). • 12 май 1981 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Гречиха, тариқ, ловия ва ёсмиқ дони етиштириш ва харид қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда таъкидлаб ўтилишича, бир қанча республикалар, ўлкалар ва областларнинг партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва СССР Тайёрлаш министрлиги КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Гречиха ва тариқ дони етиштириш ҳамда харид қилишни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги 1976 йил 23 август 683 сон қарори бажарилишини таъмин этмадилар. Шу экинларнинг ҳосилдорлиги аввалгидек, пастлигича қолмоқда. Умуман мамлакатда гречиха ва тариқ дони харид қилиш юзасидан белгиланган ўнинчи беш йиллик плани бажарилмади.

Мамлакатда ловия ва ёсмиқ дони кам етиштирилмоқда ва давлат ресурсларига оз топширилмоқда.

СССР Тайёрлаш министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, бир қанча областлар ва республикаларнинг партия ҳамда совет органлари давлатга мазкур ёрмабоп ва дуккакли экинлар донини сотиш планларини бажариш соҳасида хўжаликларга унчалик талабчанлик қилмаяптилар. Ғалла қабул қилувчи корхоналарга топширилаётган кўп миқдордаги гречиха ва тариқ донининг сифати паст.

Шунинг оқибатида аҳолининг гречиха ёрмаси, сўк, ловия ва ёсмиққа бўлган эҳтиёжлари қондирилмаяпти.

Шу экинлар донини етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва аҳолининг ёрмаларга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондириш мақсадида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети РСФСР Министрлар Советининг, Украина Компартияси Марказий Комитети билан Украина ССР Министрлар Советининг, Белоруссия Компартияси Марказий Комитети билан Белоруссия ССР Министрлар Советининг, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети билан Қозоғистон ССР Министрлар Советининг, Грузия Компартияси Марказий Комитети билан Грузия ССР Министрлар Советининг, Молдавия Компартияси Марказий Комитети билан Молдавия ССР Министрлар Советининг, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Тайёрлаш министрлигининг, ўлка, область ва район партия комитетларининг, автоном республикалар Министрлар Советларининг, ўлка, область ва район ижроия комитетларининг зиммасига:

ҳар бир республика, ўлка, область, районда, колхоз ва совхозда гречиха, тариқ, ловия ва ёсмиқ дони етиштиришдаги қолоқлик сабабларини кўриб чиқиш, шу экинлар донининг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини янада кўпайтириш, уни давлатга сотиш планларини бажаришга доир тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб амалга ошириш ҳамда мазкур экинларни етиштиришнинг илғор технологиясини жорий этишга алоҳида эътибор бериш;

Бу йил шу экинлар донини етиштириши анча кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга ҳамда ҳар бир колхоз ва совхознинг шу экинлар донини давлатга сотиш юзасидан белгиланган планларини сўзсиз бажаришига эришиш учун хўжаликда гречиха, тариқ ва дуккакли экинлар етиштиришга оид тадбирларнинг бутун комплексини агротехника жиҳатидан энг яхши муддатларда ўтказиб олишни таъминлаш;

Колхоз ва совхозларнинг давлатга гречиха, тариқ, ловия ва ёсмиқ дони сотиш планларининг бажариши устидан контроллики кучайтириш, давлат харид қилаётган шу экинларнинг дони умумий ҳажмида энг қимматбаҳо ёрмабоп ва дуккакли экинлар салмоғини ошириш чораларини кўриш мажбуриятини юклади.

Гречиха, ловия ва ёсмиқ дони етиштириш ҳамда харид қилишни рағбатлантириш мақсадида 1981 йил ҳосилидан бошлаб колхозларга, совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларига мазкур экинларнинг давлатга сотилган ҳар бир центнери эвазига бир центнер омихта ем ёки ембоп дон миқдорида омихта ёки ембоп донни мукобил сотиш жорий этилади.

1981—1985 йилларда колхозларга, совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларига ўнинчи беш йилликда эришилган ўртача даражадан ташқари давлатга сотилган гречиха, тариқ, ловия ва ёсмиқ дони учун (умуман дон бўйича шу даражадан қанчалик ошиб кетилишидан қатъи назар), харид нархнинг 50 проценти миқдорида устама ҳақ тўлаш кўзда тутилди.

Колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари учун 1981 йил ҳосилидан бошлаб оқ, рангдор, ола ловия, мош ва ясси ёсмиқ донининг харид нархлари базис кондициялардаги ҳар тонна дон учун 600 сўм миқдорида белгиланди.

Социалистик мусобақани якунлаш пайтида иттифоқдош ва автоном республика, ўлка, область, район ва хўжалик гречиха ҳамда тариқ дони давлат йўли билан харид қилиш планини бажарган ҳамда хўжаликлар кўкламги экиш-тикиш учун шу экинлар уруғи (шу жумладан эҳтиёт фонди) билан тўла-тўкис таъминланган тақдирдагина дон харид қилиш давлат планларини бажарди, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига 1981—1985 йилларда қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун дуккакли экинлар ҳосилини йиғиштириб берадиган ЖРБ-4,2 ўроқ машиналарини зарур миқдорда ишлаб чиқаришни таъминлаш, шунингдек ПЖК-3,5 тўғри ва аниқ ишлайдиган ўроқ машиналарини такомиллаштиришни жадаллаштириш ва 1982 йилда ишлаб чиқаришни ташкил этиш топширилди.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси:

1981—1985 йилларда серҳосил, тезпишар ва қурғоқчиликка чидайдиган гречиха, тариқ, ловия ва ёсмиқнинг механизмлар ёрдамида ўриб олинадиган, зараркунандалар ва касалликларга чидамли, юқори сифатли дон олинадиган навларини етиштириб беришни, шунингдек шу экинларни етиштиришнинг илғор технологиясини ишлаб чиқишни таъминлашлари;

Гречиха, тариқ, ловия ва ёсмиқнинг уруғчилигини тубдан яхшилаш ҳамда уни саноат негизига кўчириш; шунингдек шу экинларнинг энг яхши районлаштирилган юқори сифатли уруғлик навларини экиши якин йилларда таъминлаш учун уруғларнинг янги навларини жадал кўпайтиришга доир қўшимча тадбирларни кўришлари лозим.

Колхозлар территориясида истиқомат қиладиган ва жамоат ишлаб чиқаришида ҳалол қатнашаётган колхозчилар, ишчилар, хизматчилар ва гражданлар билан, шунингдек пенсионерлар билан ловия дони етиштириш ва харид қилиш тўғрисида қатъий ихтиёрийлик асосида шартномалар тузиш учун совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларига ижозат берилди ва колхозларга шундай қилиш тавсия этилди.

Мазкур шартномаларга асосан харид қилинадиган ловия дони учун ўзаро келишувга биноан, аммо белгиланган давлат харид нархларидан ошмайдиган нархлар билан ҳақ тўлансин.

Ловия дони етиштириш ва харид қилиш тўғрисида хўжаликлар билан шартномалар тузган колхозчилар, ишчилар, хизматчилар ва бошқа гражданларга томорқа ерлари ҳисобидан ҳам, шунингдек зарурат туғилган пайтда хўжаликлар вақтинча фойдаланмаётган ерлар ҳисобидан ҳам қўшимча ер участкалари берилсин.

Ушбу қарорга мувофиқ ловия етиштириш учун гражданларга ажратиладиган ер участкаларидан қишлоқ хўжалик солиғи олинмайди, деб белгиланди. СССР Молия министрлигига гражданларни мазкур участкалардан фойдаланиш туфайли олган даромадларидан даромад солиғи тўлашдан озод қилиш топширилди.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари томорқа участкаларида ва қўшимча ажратилган ер участкаларида ловия етиштиришда колхозчиларга, ишчиларга, хизматчиларга ва бошқа гражданларга ёрдам беришлари лозим.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Тайёрлаш министрлигига, СССР Молия министрлигига ва СССР Марказий статистика бошқармасига ловия дони етиштириш ва харид қилиш тўғрисидаги типовой шартномаларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ҳамда ўзлари билан шартнома тузган колхозчиларга, ишчиларга, хизматчиларга ва бошқа гражданларга ловия уруғлиги, минерал ўғит, гербицид сотиб олишда зарур машина-механизмлар, транспорт воситалари бериб қўйиш ва бошқа хилдаги хизматлар кўрсатиш йўли билан уларга ёрдам бериш соҳасида колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг вазифаларини, шунингдек етиштирилган маҳсулотни реализация қилиш тартиби ва унга ҳақ тўлаш шартларини кўзда тутиш таклиф қилинди.

Колхозчилар, ишчилар, хизматчилар ва бошқа гражданлар билан тузилган шартномалар асосида колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари харид қилган ловия донини мазкур хўжаликлар давлатга сотадилар ҳамда бу дон давлат дон харид қилиш плани бажарилишига қўшиб ҳисобланиб, миқдор ва сифат кўрсаткичлари учун уларга белгиланган устама ҳақ тўланади, деб белгилаб қўйилди.

Центросоюзга аҳолидан ловия дони харид қилишни кўпайтиришнинг қўшимча тадбирларини кўриш топширилди.

Маҳаллий кооперацияси ташкилотларига 1981—1985 йилларда колхозчилардан, совхозларнинг ишчиларидан, хизматчиларидан ва бошқа гражданлардан ўзаро келишувга мувофиқ, аммо колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг ўнинчи беш йилликда эришилган ўртача даражадан ортиқ сотиладиган дони учун белгиланган нархдан юқори бўлмаган нархда ловия дони харид қилишга ижозат берилди.

Маҳаллий кооперацияси ташкилотларининг аҳолидан ушбу қарорда кўзда тутилган нархда сотиб олган ловия донини шу ташкилотлар белгиланган тартибда реализация қиладилар.

СССР Марказий статистика бошқармасига гречиха экиш учун ажратилган майдонларни, шу экин ҳосилдорлиги ва унинг ялпи дон ҳосилини алоҳида ҳисобга олиш, бу кўрсаткичларни областлар, ўлкалар, автоном ва иттифоқдош республикаларнинг ўртача дон ҳисоботи кўрсаткичларига киритмаслик таклиф қилинди.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

11 май куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида ўнинчи беш йиллик илғорларига давлатнинг юксак мукофотларини тантанали вазиятда топшириш маросими бўлиб ўтди. Савдо ва маҳаллий кооперацияси ходимларидан катта бир группасига СССР орден ва медаллари топширилди. Улар чакана товар оборотини, савдо-сотиқни, умумий овқатланишни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишни ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан беш йиллик топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов топширди.

(ЎзТАГ).

● БЕШ ЙИЛЛИККА — ЗАРБДОР СУРЪАТ!

● ИЛҒОРЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗМОҚДА

● РЕСПУБЛИКАМИЗ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ КУНЛАРИ



Сурхондарё областининг пахта далаларида юқори ҳосил учун кураш жабҳаси кундан-кунга авж олмоқда. Шу кунларда кенг пахта майдонларини қоплаган яшил ниҳолларга ишлов бериш қизғин олиб борилаётир. Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг далаларида ҳам ёш ниҳолларга пешма-пеш ишлов берилмоқда. Суратларда: хўжаликнинг 19-бригадаси механизатори Хўжаназар Бобомуродов ва экинларга комплекс ишлов бериш пайти.

А. Қаюмов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга меҳнаткашларни сафарбар этишда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг ролини ошириш юзасидан Қашқадарё область партия комитетининг иши тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда таъкидланадики, Қашқадарё область партия комитети КПСС XXVI съезди қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, областни социал ва иқтисодий ривожлантириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг кучғайратларини ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш вазифаларини ҳал этишда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг ишига эътиборни кучайтирди. Партия комитетлари матбуотнинг кучғайратини КПСС XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев Ҳисобот докладида баён этилган қоида ва хулосаларни чуқур ва собитқадамлик билан пропаганда қилишга ҳамда уларни бажаришни ташкил этишга қаратмоқдалар.

Область газеталари ва радиоэшиттириши 1981 йилги ва умуман беш йиллик халқ хўжалик планлари муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажарилиши учун социалистик мусобақани авж олдиришга актив кўмаклашмоқдалар. «Партия XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!», «Партия планлари — халқ планлари», «Экономика тежамли бўлиши керак» рубрикалари ва бошқа рубрикалар остида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, иқтисод қилиш ва тежамкорлик, омма ўртасида ташкилотчилик ва гоявий-сиёсий ишни такомиллаштириш проблемаларига доир материаллар эълон қилинмоқда ва эшиттирилмоқда.

Область партия комитети, Қарши шаҳар партия комитети, район партия комитетлари матбуот ишини яхшилаш, ундаги материалларнинг таъсирчанлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни мунтазам кўриб чиқмоқдалар, энг яхши мақолалар ўз вақтида қўллаб-қувватланиб маъқулланмоқда. Журналистларнинг хабардорлиги яхшиланди, партия комитетлари матбуот конференцияларини, раҳбар ходимларнинг учрашувларини, область ҳаётининг гоят муҳим масалалари юзасидан газеталар ва радиоэшиттириш ходимлари билан кенгашларни мунтазам суратда ўтказиб турибдилар. Партия комитетлари редакцияларнинг планларини кўриб чиқиб, тасдиқламоқдалар, уларни малакали журналист кадрлар билан мустаҳкамламоқдалар. Журналистларнинг профессионал ва гоявий-назарий ўсиши тўғрисида гамхўрлик қилмоқдалар, ишчи ва қишлоқ мухбирлари ҳаракатини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашмоқдалар. Матбуот активлари рейд ва текширишларини ўтказишга кенг жалб этилмоқда, ана шу рейд ва текширишларнинг натижалари матбуотда ёритилмоқда, партия ташкилотларида муҳокама қилинмоқда.

Шу билан бирга Қашқадарё область партия комитетининг оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига раҳбарлик қилиш ишида жиддий камчилик ва нуқсонлар бор. Область партия комитетлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришга меҳнаткашларни сафарбар этиш учун матбуот кучидан ҳали тўлиқ даражада фойдаланаётганлари йўқ. Газеталар ва радиоэшиттириш XXVI съезд қарорларини етарлича чуқур ва планли равишда тушунтириб бермаяптилар, айрим мақолалар ва эшиттиришларда мавзуларни ёритишда янгилик ва теранлик етишмайди, кўпинча мазмунсиз материаллар эълон қилинмоқда, бу материалларда кескин проблемалар четлаб ўтилмоқда.

Айрим район партия комитетлари матбуотнинг ташкилотчилик ва тарбиявий имкониятларидан суст фойдаланмоқдалар, эълон қилинаётган материалларнинг таъсирчанлигини ошириш тўғрисида ҳамиша ҳам гамхўрлик қилаётганлари йўқ. Деҳқонобод, Яккабоғ, Косон район газеталарида, маҳаллий радиоэшиттиришларида хўжалик ва маданий қурилишнинг, фан ва техника ютуқларини амалда жорий этишнинг, ватанпарварлик ташаббусларини оммалаштиришнинг актуал проблемаларига доир мақолалар ва эшиттиришлар етарли даражада самаралы эмас. Ана шу мақолалар ва эшиттиришларда партия ташкилотлари ва партия группаларининг ҳаёти, идеология иши, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига комплекс ёндашиш масалалари суст ёритилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Л. И. Брежнев Франсуа Миттеран Франция Республикасининг президенти лавозимига сайланганлиги муносабати билан унга табрик телеграммаси йўллади. Телеграммада бундай дейилади:

«Совет Иттифоқи билан Францияни, иккала мамлакатимиз халқларини анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаб турибди. Биз ана шу муносабатлар барча соҳаларда ривожланиши, келгусида ҳам тинчликнинг катта омили бўлиб қолиши тарафдоримиз. Ишонаманки, Совет Иттифоқи билан Франция Европада ва бутун дунёда қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш, ҳарбий можаролар манбаларини тугатиш, хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб Шарқ билан Ғарб ўртасидаги ҳамжиҳатликка бундан буён ҳам кўмаклашаверадилар».

Л. И. Брежнев Франсуа Миттеранинг фаолиятида унга муваффақиятлар, дўст француз халқига эсон-омонлик ва равнақ тилади.

(ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 10 майда Киевдан Москвага қайтиб келди. У «1941—1945 йилларда Улуғ Ватан уруши тарихи Украина давлат музейи» ёдгорлик комплекси очилишига бағишланган тантаналарда қатнашди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов ва тантаналарда Москва делегациясига бошчилик қилган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга қайтиб келдилар.

Вокзалда ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, А. А. Громико, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Г. С. Павлов, И. Г. Павловский, С. К. Цвигун, Г. К. Цинев, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Ю. М. Чурбанов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари — КПСС Марказий Комитетининг аъзолари А. М. Александров, Г. Э. Цуканов, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат А. И. Блатов ҳам Киевдан қайтиб келдилар.

(ТАСС).

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Муборак газ комплексининг учинчи навбатини муддатидан илгари ишга тушириш юзасидан қурилиш-монтаж, фойдаланувчи ташкилотлар ва корхоналар коллективлари социалистик мусобақасининг 1981 йил апрель ойи якунларини чиқардилар.

Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигига қарашли «Наймангазстрой» трестининг 3-қурилиш бошқармаси (бошқарма бошлиғи А. Ф. Яровой, партия ташкилотининг секретари И. А. Лисичкина, қурилиш касаба союзи комитетининг раиси И. С. Цецхладзе, комсомол ташкилотининг секретари В. А. Титева) коллективи Муборак газ комплексининг учинчи навбати объектлари қурилиши ва ишга туширилишини жадаллаштириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақанинг ғолиби деб топилди. Бу коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти берилди.

Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигига қарашли «Мубарекгазпромстрой» трести (трест бошқарувчиси Г. А. Бегижонов, партия ташкилотининг секретари Т. Хусанов, бирлашган қурилиш касаба союзи комитетининг раиси Г. А. Пономаренко, комсомол ташкилотининг секретари Р. Насибулина) коллективининг Муборак газни қайта ишлаш заводи учинчи навбати объектлари қурилишида ва «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Ўзбекгазпромстрой» трести 4-қурилиш бошқармаси (бошқарма бошлиғи Ю. И. Пеньков, партия ташкилотининг секретари Ю. Я. Борисов, қурилиш касаба союз комитетининг раиси В. М. Курганская, комсомол ташкилотининг секретари А. В. Жданова) коллективининг Заварда кон қурилишида 1981 йил апрель ойида яхши ишлаганликлари қайд этилди.

МАМЛАКАТ СТОМАТОЛОГЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

11 май куни Тошкентда стоматологларнинг VII Бутуниттифоқ съезди иш бошлади. Съездда мамлакатнинг таниқли медик олимлари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарлари, практик врачлар иштирок этмоқдалар. Съезд мехмонлари орасида Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакия соғлиқни сақлаш органларининг вакиллари бор.

Стоматологлар анжуманининг делегатлари ўтган беш йил мобайнидаги иш якунларини, КПСС XXVI съезди талаблари асосида медицинанинг ана шу тармоғида стоматологияни ва илмий-тадқиқот ишларини яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган даволаш ёрдами сифати ва самарадорлигини ошириш, фан ва техника ютуқларини клиника практикасига кенг жорий этиш, касалликлар профилактикаси комплекс системасини такомиллаштириш масалаларига оид докладлар ва ахборотларни тинглаш кўзда тутилган. Секция мажлисларида ҳозирги замон стоматологиясининг бир қанча конкрет проблемалари кўриб чиқилади.

Съезд ташкил этилган кунининг 25 йиллигини нишонлаётган Бутуниттифоқ стоматологлар илмий жамиятининг иши тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилади, жамият правлениесининг янги составини сайлайди.

Съезднинг биринчи ялпи мажлисида СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Е. Ч. Новикова, марказий стоматология илмий-тадқиқот институтининг директори, СССР медицина фанлари академиясининг академиги А. И. Рибаков, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. О. Орипов доклад қилдилар.

Съезд ўз ишини давом эттиради.

(ЎзТАГ).

САҲНА УСТАСИ ХОТИРАСИГА

11 май куни Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали кеча СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Аброр Ҳидоятов туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланди. Моҳир санъаткорнинг дўстлари, шогирдлари, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари ўзининг бутун ҳаётини санъатга бағишлаган саҳна устаси юбилейини нишонлаш учун бу ерга келдилар.

Аброр Ҳидоятов саҳнадаги фаолиятини 18 ёшидан бошлади. У ўша алангали 1918 йилда Карл Маркс номли театр труппасида дастлабки ролларни ижро этди. Аброр Ҳидоятов ўз ҳаётининг сўнгги кунларигача саҳнада меҳнат қилди ҳамда ўзбек совет театрини кароР топириш ва ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшди. А. Ҳидоятов ана шу йиллар давомида оташин революционерлар ва ўз замондошлари, Шарқнинг буюк мутафаккирлари ва Шекспир қаҳрамонлари образларини саҳнада мужассамлаштирди. Кечада сўзга чиққан республиканинг адабиёт ва санъат арбоблари юбилярнинг ижоди совет театр санъатига хизмат қилиш, партия ва халқ ишига хизмат қилиш намунасидир, дедилар. А. Ҳидоятов меҳнат қилган Ҳамза номли театр коллективи, Тошкентдаги бошқа театрларнинг артистлари ажойиб саҳна устасига бағишланган махсус саҳна асари тайёрладилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Бошқ биринчи бетда).

Бир қанча газеталарда партия XXVI съезднинг материаллари меҳнат коллективларининг конкрет вазифаларидан ажралган ҳолда пропаганда қилинмоқда, бу газеталарда ишлаб чиқаришни интенсивлаш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, фан-техника тараққиётини жорий этиш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва тежамкорлик режимини кучайтириш масалалари ҳамиша ҳам чуқур ва пухта ёритиляпти, деб бўлмайди.

Матбуот ва радиоэшитиришнинг моддий-техника базаси янада такомиллаштирилиши даркор, кўпчилик газеталарнинг полиграфик ижроси замонавий талабларга мос келмайди, уларнинг кечикиш ҳоллари тез-тез учраб туради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Қашқадарё область партия комитети зиммасига қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш, партия XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев съездда қилган Ҳисобот докладида баён этилган қондалар ва хулосаларни бажаришга меҳнаткашларни сафарбар қилишда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг ролини янада ошириш чораларини кўриш мажбуриятини юклади.

Область партия комитети, Қарши шаҳар партия комитети, район партия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига, идеология ходимларининг 1981 йил апрелида Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ семинар-кенгашининг тавсияларига мувофиқ матбуотнинг юксак ғоявий савиясини, халқ хўжалигини ривожлантиришга матбуотнинг актив таъсир ўтказишини, журналистлар билан авторлар активини КПСС ва Совет давлати ички ҳамда ташқи сиёсатининг актуал масалаларини ёритишга аниқ пухта йўллашни таъминлашлари керак.

Республика газеталари, журналлари, телевидениеси ва радиоэшиттириш редакцияларига партия XXVI съезди ғояларининг бойлиги ва теранлигини, КПСС Марказий Комитети Ҳисобот докладининг, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш асосий йўналишларининг ғоят муҳим назарий қоидаларини меҳнаткашлар ўртасида кенг тушунтириш ва пропаганда қилиш, пропагандистлар, агитаторлар, докладчиларга, сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасининг тингловчиларига ёрдам тариқасида оммабоп суҳбатлар, шарҳларни эълон қилиш, меҳнаткашларнинг саволлари ва хатларига далил-исботлар билан жавоб қайтариш, партия билан ҳукуматнинг совет халқи фаровонлиги, тинчлиги мустаҳкамлаш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигини кўрсатувчи сермазмун материалларни эълон қилиш ва эшиттириш таклиф этилди.

Область, шаҳар, район партия комитетларига илғорлар тажрибасини ҳамма жойда жорий этиш, партиявий ва хўжаликка раҳбарликнинг услуб ва методларини такомиллаштириш учун матбуотдан кенг фойдаланиш зарурлиги кўрсатилди. Юксак иш самарадорлиги ва сифати учун социалистик мусобақанинг янги формаларини матбуотда, телевидение ва радиоэшиттиришларда ёритишга, москваликларнинг «1981 йил топшириқларини 7 ноябргача бажарамиз» шиори остидаги ватанпарварлик ташаббусини, ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик ва ундан ҳам кўпроқ йиллик нормаларини бажариш мажбуриятини олган республикадаги 15 ишлаб чиқариш илғорининг ватанпарварлик ташаббуси ва бошқа қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилиши, бир хил шароитдаги коллективларнинг иш натижаларини анализ қилиш ва таққослаш, социалистик мусобақа якунларини чиқариш чоғида ошкораликни таъминлаш керак.

Газеталарда, телевидение ва радио орқали Қашқадарё область чорвадорларининг гўшт, сут ҳамда фермаларнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш, чорва ва паррандаларни ўстириш, уларнинг маҳсулдорлигини, шунингдек чорвачиликнинг емхашак базасини анча мустаҳкамлаш соҳасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган қимматли ташаббуси кенг пропаганда қилинсин ва уни жорий этишга кўмаклашилсин. Матбуотда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш масалалари муҳим ўринни олиши керак. Редакцияларнинг беш йиллик зарбдор қурилишлари устидан оталиги ривожлантирилсин, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик роли кўрсатилсин, ташкилий-партиявий ва идеология ишини такомиллаштириш, аҳоли турмуш маданиятини айниқса қишлоқ жойлардаги аҳоли турмуш маданиятини ошириш проблемаларига эътибор кучайтирилсин.

Ўзбекистон ССР ҳаётидан олинган конкрет ишонтирарли фактлар ва мисоллар келтириб, совет турмуш тарзи тўғрисида, пролетар интернационализми принциплари, КПССнинг ленинча ташқи сиёсати ҳақида ёрқин ҳикоя қилинсин, буржуа идеологиясига зарба берилсин.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари матбуотнинг ташкилотчилик ва тарбиявий имкониятларидан кенг фойдаланишлари, матбуотдаги мақолаларнинг таъсирчанлигини оширишга ҳар томонлама ёрдам беришлари, илғорлар тажрибасини пропаганда қилувчи, шунингдек камчиликларни, фойдаланилмаган резервлар ва имкониятларни очиб кўрсатувчи мақолаларни қўллаб-қувватлашлари, матбуотнинг танқидий материалларига расмиятчилик билан муносабатда бўлиш фактларига принципиал партиявий баҳо беришлари керак. Эълон қилинаётган материалларнинг ғоявий-назарий ва бадиий савияси учун журналистларга нисбатан талабчанлик оширилсин, ана шу материалларнинг жанр жиҳатидан хилма-хиллиги таъминлансин. Журналист кадрларнинг ғоявий чиниқишига, уларнинг касб маҳорати ва ижодий активлигини ўстиришга, штатсиз авторлар активи билан ишлашга кўпроқ эътибор берилсин. Журналистларнинг хабардорлиги яхшилансин. Партия комитетлари, халқ депутатларининг маҳаллий Советлари журналистларнинг меҳнати ва турмуши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилсинлар.

Область, шаҳар, район партия комитетларига партия комитетларининг ҳузурида оммавий ахборот ва пропаганда воситалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва уларнинг самарадорлигини ўрганувчи жамоатчилик кенгашларини ташкил қилиш, бу кенгашлар составига олий ўқув юртларининг олимлари, ўқитувчиларидан иборат обзорчиларни, партия, совет ва хўжалик ходимларини киритиш тавсия этилди. Жамоатчилик кенгашларининг мажлисларида матбуотнинг область, шаҳар ва районларнинг хўжалик ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти турли масалаларига оид мақолаларининг мазмуни мунтазам равишда анализ қилинсин, эълон қилинаётган ва эшиттирилаётган материалларнинг таъсирчанлиги ўрганилсин, ташаббус қўллаб-қувватлансин, матбуот ишидаги камчилик ва нуқсонлар анализ қилинсин, матбуот, телевидение ва радио фаолиятининг бош йўналишлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилсин. Редакция коллективларининг ҳаётида ишлаб чиқариш кенгашлари ва летучкаларининг роли оширилсин, улар мунтазам суратда ўтказиб турилиши таъминлансин, уларда газеталар ва эшиттиришларнинг обзорлари, эълон қилинаётган материалларнинг мазмуни, сифатини, газета ва журналларнинг полиграфик жиҳатдан безалишини, телевидение ва радиоэшиттиришларнинг бадиий ҳамда техникавий савиясини яхшилашнинг актуал проблемалари кўриб чиқилсин.

Область партия комитетларига, Ўзбекистон ССР Госкомиздати, Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига газеталарнинг полиграфик ижросини яхшилашга доир зарур ташкилий ва техникавий тадбирларни белгилаб амалга ошириш, куч-ғайратларни йирик районлараро қўшмаҳоналар қурилишига, уларни замонавий машина-ускуналар билан жиҳозлашга, радиоэшиттиришларнинг техникавий даражасини оширишга, матбуот ва радио эшиттиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратиш вазифаси топширилди. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги Қишлоқ қурилиш министрлиги билан биргаликда полиграфия, телевидение, радиоэшиттириш объектлари қурилишини жадаллаштириш ва уларни белгиланган муддатларда ишга тушириш юзасидан амалий тадбирлар кўрилсин.

Ўзбекистон Журналистлар союзи область, шаҳар ва район матбуотида ишловчи журналистлар билан олиб бориладиган ишни кучайтириши, областларда ижодий семинарлар ва коқкурслар ўтказиб туриши зарур. Қуйи матбуот ва радио ходимларининг область газеталари ва радиоэшиттириш редакцияларида стажировкадан ўтишлари мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин. Матбуот конференцияларини ўтказишга, журналистлар билан учрашувларга халқ хўжалигининг мутахассислари, олимлар, партия ва совет ходимлари, республиканинг етакчи журналистлари жалб этилсин.

ГИДРОСОЗЛАР ШИЖОАТИ

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ УЛКАН ҚУРИЛИШЛАРИДА

Шу қунларда Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши — Туямўйин гидроузели бунёдкорлари умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили учун белгиланган катта иш миқёсларини муддатидан илгари адо этиш, кундалик ва ойлик топшириқларни ўз вақтида бажариш учун ҳар қачонгидан ҳам фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Гидросозлар бу йил улкан сув омборида 2,6 миллиард кубометр обиҳаёт тўплаш ҳамда Туямўйин гидроэлектростанциясининг бир варакайига икки агрегатини ишга туширши маррасини белгилаб олишган.

Республиканинг бу улкан сув омбори тўла битказилгач унда 5,3 миллиард кубометр сув тўпланади. Бу эса Ўзбекистон ва Туркманистон хўжаликларидаги 1 миллион гектардан ортиқ янги экин майдонларини суғориш учун кифоя қилади.

Туямўйин гидроузели Тахиатош қурилишидан сўнг энг катта улкан бунёдкорлик ишларининг манбандир. Бу Амударё сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш бош схемасининг энг асосий объектларидан биридир.

Ана шу улкан ишларни бажаришда партия чақириғи ва қалб амри билан меҳнат қилаётган ёшлар меҳнатда ажойиб фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Чунончи, «Туямуюнгидрострой» трести 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг илғор монтажчиси Назира Диденко ўз ҳамкасбларига чиннакам намуна бўлмоқда. У меҳнатда кўрсатган жасоратлари эвазига Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди.

«Спецгидроэнергомонтаж» трестида электр пайвандчи Владимир Черник ҳам смена топшириқларини мунтазам ошириб адо этаётир. Монтажчи комсомол аъзоси Ҳасан Абдуллаев эса ўзининг ёш дўстларига ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Смена ва ойлик топшириқларини доимо ошириб бажариб келаётганлиги учун қурилиш «Ҳурмат тахтаси»да ҳар доим унинг номи қайд этилмоқда.

Суратларда: илғор монтажчи Ҳасан Абдуллаев ва Туямўйин гидроузели қурилишининг участкаларидан бири акс эттирилган.

Қ. Отаев фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

«БУРЕВЕСТНИК» КОРТЛАРИДА

Теннис бўйича республика мусобақаларининг байроғи кўтарилди. Тошкентдаги «Буревестник» стадиони кортларида Ўзбекистон шахсий-команда чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлди. Мусобақа қатнашчилари орасида Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Бухоро областларининг терма командалари бор.

Шу куни кечқурун стадионга келган юзлаб теннис мухлислари қизиқарли, кескин ва жозибали ўйинларнинг гувоҳи бўлдилар. Бу мусобақа — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республикада теннисининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» яқинда эълон қилинган қароридан кейинги дастлабки мусобақадир. Ҳозир Ўзбекистоннинг кўпгина районларида кортлар ва ихтисослаштирилган майдончалар очилган. Бу ерда юзлаб спортчилар теннис «алифбе»сини ўрганади ва маҳоратини оширади. Шу билан бирга, спортнинг ана шу машҳур ва келажаги порлоқ турига ҳамма ерда ҳам етарлича аҳамият берилмаётир. Масалан, ушбу республика чемпионатида Наманган, Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах областлари ва Қорақалпоғистон АССР командалари қатнашмади.

Чемпионат программаси команда мусобақалари билан бошланди.

Шахсий ҳисобда ғолиблар 15 май куни аниқланади.

(ЎзТАГ).

ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Бугун Тошкентда иттифоқдош республикалар фанлар академиялари илмий фаолиятини координациялаш бўйича кенгашнинг XXXVIII сессияси иш бошлайди. «Совет Ўзбекистони» мухбири **Р. ҚОСИМОВ** ана шу сессия қатнашчиси, Молдавия ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика Фанлар академиясининг академиги **Владимир Александрович АНДРУНАКИЕВИЧ** билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистон олимлари билан илмий мулоқот ва ҳамкорлик хусусида фикрингиз қандай?

— Бундай ҳамкорлик тарихи ҳар иккала иттифоқдош республикада фан тараққиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Доҳий В. И. Ленин декрети билан Тошкентда очилган дастлабки дорилфунуннинг биринчи ректори молдаван олими А. Димо эди. Ў кейинчалик Кишинёвда ҳам шундай университет ташкил этишда бош-қош бўлди. Узоқ тарихга эга бўлган бу ҳамкорлик йил сайин кенгайиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина математика институтимизда Ўзбекистондан икки киши кандидатлик диссертацияси-ни ҳимоя қилди. Химия, биология, сейсмология ва бошқа аниқ фанлар соҳасида ҳам илмий мулоқот кучайиб бораётганлиги кейинги йилларнинг муҳим белгиларидан биридир. Шу ўринда фаннинг турли тармоқларини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг бой тажрибасидан кўп нарса ўрганаётганлигимизни алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Ҳеч шубҳасиз. Тошкент анжумани жонажон партиямиз иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг, жамият тараққиётида фан ролини янада кўтаришнинг, олимларга коммунистик қурилишда фаол қатнашишнинг янги йўлларини белгилаб беради.

синнинг амалий физика институтини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, СССР Фанлар академияси билан маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи марказий комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлган бу институтда қаттиқ жисмлар физикаси соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда, халқ хўжалигида электроника ютуқларини қўллашнинг янги усуллари изланмоқда. Илмий ечимлар учун ўнинчи беш йилликда 206 та авторлик гувоҳномаси олинди. Институт олимларининг ижодий изланишлари натижаларининг амалиётга жорий этилиши шу вақт ичида 51,9 миллион сўм иқтисодий самара келтирди.

Бутун Тошкентда иттифоқдош республикалар фанлар академиялари илмий фаолиятини координациялаш бўйича кенгашнинг XXXVIII сессияси иш бошлайди. «Совет Ўзбекистони» мухбири **Р. ҚОСИМОВ** ана шу сессия қатнашчиси, Молдавия ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика Фанлар академиясининг академиги **Владимир Александрович АНДРУНАКИЕВИЧ** билан суҳбатлашди.

— Бу йил ўзининг 20 йиллигини нишонлайдиган Молдавия ССР Фанлар академияси республиканинг етакчи илмий маркази бўлиб қолди. Академия олимлари ўн бир институт ва олти илмий муассасада физика, математика, экологик генетика, химия, биология, сейсмология ва ижтимоий фанларнинг асосий йўналишлари бўйича фундаментал тадқиқотларга бошчилик қилмоқдалар. Республиканинг саккиз олий ўқув юрти ҳамда кўпгина тармоқ илмий муассасаларида энергетика, машинасозлик, металларни қайта ишлаш, табиатни муҳофаза этиш ва халқ хўжалиги аҳамиятига молик бошқа муҳим проблемалар устидан кенг кўламда изланиш олиб борилмоқда.

Халқ хўжалиги кўпгина тармоқлари мутахассислари билан қўлни-қўлга бериб иш олиб бориш ажойиб самаралар беряпти. Бунга Молдавия ССР Фанлар академия-

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ОТАШИН ДАЪВАТ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг қаҳрамон шаҳар — Киевдаги ёдгорлик комплексини тантанали очиш вақтида сўзлаган нутқи чет эл оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Турли мамлакатлар матбуоти, радио, телевидениеси шу нутқ тўғрисида батафсил хабар қилиб, унда тинчликка, кескиликни юмшатишни сақлаб қолишга, янги жаҳон урушининг олдини олишга, ақл-идрокининг **телбалик устидан тантанасини таъминлашга қилинган жўшқин даъватга алоҳида эътиборни жалб қилмоқдалар.**

Болгариядаги **«Работническо дело»** газетаси «СССРнинг қудрати тинчликка хизмат қилмоқда ва хизмат қиларади» деган сарлавҳа остида Л. И. Брежневнинг нутқини эълон қилиб, Совет Иттифоқи кескинликнинг жазавасини туширши, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш, уни янада ривожлантиришни таъминлаш учун бундан бўён ҳам сабот билан курашаверади, деб таъкидлайди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Днепр баланд соҳилида туриб яна ақл-идрокка, инсониятнинг олий неъмати ва ҳуқуқини ҳимоя қилишга — ҳаёт ва тинчликни ҳимоя қилишга алангали чақириқ билан даъват этди, деб ёзади Болгариядаги бошқа бир **«Земеделско знаме»** газетаси ўзининг редакцион мақоласида. Совет раҳбарининг ёрқин сўзлари СССРнинг ленинча тинчликсевар сиёсат, КПСС XXVI съездида бойитилган ва ривожлантирилган ташқи сиёсат программаси изчиллигининг янги далилидир. Совет халқининг фашистлар Германияси устидан ғалабаси байрами кунида урушнинг ҳамма оловли кунларини бошидан кечирган коммунист ва жангчи шу сўзларни айтди.

«Совет Иттифоқи тинчлик программасини бажармоқда» — Венгриядаги **«Непсабадшаг»** газетаси Л. И. Брежневнинг нутқини мана шундай сарлавҳа остида эълон қилди. КПСС билан Совет давлатининг раҳбари таъкидлаб ўтганидек, КПССнинг яқинда ўтказилган съезди тинчлик — Совет Иттифоқи халқаро сиёсатининг олий мақсади эканини тасдиқлади, деб ёзади газета. Шу съездда баён этиб берилган ташаббуслар комплексини одамлар 80-йилларнинг тинчлик программаси, деб атадилар.

Замонамизнинг буюк сиёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев, деб таъкидлайди **«Монцамэ»** агентлиги, ўзининг чуқур далил-исботли ва реалистик сўзларида халқаро аҳволнинг ғоят ўткир саволларига аниқ ва равшан жавоб берди. АҚШнинг янги маъмурияти ва унинг иттифоқчилари СССРдан ҳарбий устунликка эришиб олиш умидида авж олдираётган қуролланиш пойгасининг янги давраси ҳаддан ташқари хатарли оқибатларга сабаб бўлиши тўғрисида уларни қаттиқ огоҳлантирди.

Америкадаги **Эн-Би-Си** компанияси ўзининг телевизион янгиликлар ички программасини Л. И. Брежневнинг Киевда ёдгорлик комплекси очилишида сўзлаган нутқи тўғрисидаги хабар билан бошлади. Шу программанинг бошқарувчиси совет раҳбари «яна Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқотни давом эттиришга чақирди», деб таъкидлади.

Франс Пресс агентлигининг Л. И. Брежнев нутқини батафсил баён этган хабарида бундай деб уқтирилади: Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбари АҚШ ва Ғарбдаги бошқа мамлакатларга мурожаат этиб, бафуржа мулоқот ўтказишга яна даъват қилиб, СССР қар қандай ижобий фикрни диққат-эътибор билан кутиб олади, деб айтди. Музокаралар қаерда ўтказилмасин, қайси проблемага бағишланмасин биз тинчлик ва тинч ҳамкорлик манфаатларини доимо диққат марказига қўйиб келдик ва қўяверамиз, деб таъкидлади Л. И. Брежнев.

Токио газеталари Л. И. Брежневнинг Киевда нутқ сўзлаганлири тўғрисидаги хабарларни «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Шарқ билан Ғарб ўртасида мулоқот ўтказишга яна даъват қилди», «Қуролларни қисқартириш мақсадини кўзловчи даъват», «Совет Иттифоқи тинчлик музокараларини табриклаётган» деган сарлавҳалар остида босиб чиқарди. Совет раҳбари кескинликни юмшатиш снёсатини давом эттиришга аҳд қилганини таъкидлади ва Совет Иттифоқининг қудрати ҳеч қачон халқларнинг зарарига хизмат қилмаслигини айтди, деб ёзади **«Номиури»** газетаси. (ТАСС).

Ф. МИТТЕРАН—ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ

ПАРИЖ, 11 май (ТАСС). Франциядa президент сайловининг иккинчи давраси ниҳоясига етди. Ички ишлар министрлигининг дастлабки маълумотларига кўра, сайловчиларнинг 52,06 процент овозини олган социалистик партия номзоди Ф. Миттеран Франция Республикасининг президенти бўлди. В. Жискар д'Эстэн 47,93 процент овоз олди. Овоз беришда сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган француз гражданларининг 86,3 проценти қатнашди.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

МИЛИТАРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

ВАШИНГТОН. Япония бош министри Д. Сўдзукининг АҚШга қилган расмий визити тугади. Шу визит чоғида у президент Р. Рейган билан ва Америка маъмуриятининг бошқа раҳбарлари билан музокаралар ўтказди.

Маҳаллий кузатувчилар визит якунларини Токионинг Қўшма Штатлар билан янада мустаҳкам ҳарбий ҳамкорлик тарафга очиқ-ойдин оғиши, Японияни милитарлаштириш йўлидаги янги қадами, деб бир хил фикр билдирмоқдалар.

КОНСЕРВАТОРЛАР СИЕСАТИДАН НОРОЗИЛИК

ЛОНДОН. Буюк Британиянинг аҳолиси орасида консерваторлар ҳукумати ўтказаётган сиёсатдан норозилик кенгайиб бормоқда. Гэллап институти жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилган савол-жавоб натижалари шундан далолат беради.

«Санди телеграф» газетасида эълон қилинган маълумотларга қараганда, саволга жавоб берганларнинг 73 процентининг Киевда ёдгорлик комплекси очилишида сўзлаган нутқи тўғрисидаги хабар билан бошлади. Шу программанинг бошқарувчиси совет раҳбари «яна Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқотни давом эттиришга чақирди», деб таъкидлади.

Франс Пресс агентлигининг Л. И. Брежнев нутқини батафсил баён этган хабарида бундай деб уқтирилади: Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбари АҚШ ва Ғарбдаги бошқа мамлакатларга мурожаат этиб, бафуржа мулоқот ўтказишга яна даъват қилиб, СССР қар қандай ижобий фикрни диққат-эътибор билан кутиб олади, деб айтди. Музокаралар қаерда ўтказилмасин, қайси проблемага бағишланмасин биз тинчлик ва тинч ҳамкорлик манфаатларини доимо диққат марказига қўйиб келдик ва қўяверамиз, деб таъкидлади Л. И. Брежнев.

Токио газеталари Л. И. Брежневнинг Киевда нутқ сўзлаганлири тўғрисидаги хабарларни «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Шарқ билан Ғарб ўртасида мулоқот ўтказишга яна даъват қилди», «Қуролларни қисқартириш мақсадини кўзловчи даъват», «Совет Иттифоқи тинчлик музокараларини табриклаётган» деган сарлавҳалар остида босиб чиқарди. Совет раҳбари кескинликни юмшатиш снёсатини давом эттиришга аҳд қилганини таъкидлади ва Совет Иттифоқининг қудрати ҳеч қачон халқларнинг зарарига хизмат қилмаслигини айтди, деб ёзади **«Номиури»** газетаси. (ТАСС).

консерваторлар кабинетининг сиёсати меҳнаткаш халқнинг манфаатларига зид эканини айтди. Кейинги икки йил мобайнида, яъни М. Тэтчер ҳукумати ҳокимият тепасида турган вақт ичида мамлакатда консерваторлар сиёсатидан норози эканини билдираётган кишилар қарийб икки баравар кўпайди, деб уқтиради газета. Саволга жавоб қайтарган кишиларнинг деярли ярмиси ҳозирги Англия ҳукуматининг Совет Иттифоқига нисбатан эгаллаган позициясини танқид қилди.

ФОТ ИЖРОКОМИНИНГ МАЖЛИСИ

БАЙРУТ. Бу ерда Я. Арафат раислигида Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг фавқулодда мажлиси бўлди.

Қабул этилган ахборотда уқтириб ўтилишича, Тель-Авив Ливанга яна кенг миқёсда ҳарбий ҳужум бошлашни кўзлаб турибди. Фаластин озодлик ҳаракати Ливан халқи билан, унинг миллий кучлари билан бутун араб миллати ва Сурия билан мустаҳкам иттифоқца таяниб, Исроилнинг ҳар қандай агрессиясига муносиб зарба беришга аҳд қилганлиги таъкидланди.

(ТАСС, 11 май).

«СОВУҚ УРУШ» РУҲИДА

АҚШ давлат секретари А. Хейг НАТО кенгашининг Римда ўтказилган сессиясидан қайтиб келиши билан ок Сиракуза университетида «НАТО ва Америка раҳбарлигининг тикланиши» мавзуида нутқ сўзлади. Унинг нутқи «совуқ уруш»нинг энг ёмон даврлари руҳида бўлган ашаддий антисоветизм ва антикоммунизмнинг жуда ҳунук сафсатабозлигига айланиб кетди, АҚШ империализми жаҳонга ҳукмронликни даъво қилаётганлигининг яна бир исботи бўлди.

Дипломатия маҳкамасининг бошлиғи АҚШнинг жаҳон миқёсидаги империалистик хомхаёлларини ҳатто Америкаларнинг ҳозирги раҳбарлари учун ҳам камдан-кам учрайдиган андишасизлик ва сурбетлик билан таърифлади. У «Америка идеаллари» деб аталмиш идеалларга мос бўлиб тушадиган дунёни «вуждга келтиришни» АҚШ ташқи сиёсатининг бош мақсади, деб атади. Бошқача сўзлар билан айтганда, Вашингтон дунёни ўзининг экспансиячилик муддаоларига мувофиқ қайта қуришдан иборат қандайдир ҳуқуқни ўзлаштириб олишни, бошқа мамлакатлар ва халқларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини назар-писанд қилмай пойлмол этишни истарди.

Хейгнинг нутқидан кўриниб турибдики, Вашингтон машъум «зўравонлик позицияси» сиёсатини ва ҳарбий устунликни қўлга киритишни ана шу мақсадга эришишнинг бош воситаси қилиб олган. Ҳарбий қучқудрат, деди у, Қўшма Штатларнинг ташқи сиёсати учун ҳал қилувчи муҳим аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан Хейг ҳарбий иттифоқларни, даставвал агрессив НАТО блокини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш керак, деб айтди.

АҚШ давлат секретари бундай йўлни оқлашга уриниб, «совет ҳарбий хавфи» бор деган хавойи гапларни яна рўкач қилди. У Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар шаънига ғазаб билан ҳуружлар қилди, қандайдир «бўлмағур агрессив муддаолар»ни СССРга тўнкади.

Хейг Совет Иттифоқига нисбатан конфронтация сиёсатини ўтказишда ғарб мамлакатларининг хатти-ҳаракатларини «мувофиқлаштириш» зарур деб туриб олди. У ривожланаётган мамлакатлар билан уларнинг антиимпериалистик курашдаги табиий иттифоқчиси социализм дунёси ўртасига нифоқ солишга ҳам уриниб кўрди.

АҚШ «ҳаётий манфаатлари зоналари» деб эълон қилаётган ривожланаётган мамлакатларда империалистик монополиялар ўтказаётган талончилик сиёсатини давлат секретари ҳавойи «совет таҳдиди» тўғрисидаги сохта гап-сўзлар билан ниқоблашга уринди.

Хейг НАТО кенгашининг яқинда Римда бўлиб ўтган сессиясида Американинг ўртача олисликка учадиган янги ракета-ядро қуролини Ғарбий Европада жойлаштириш тўғрисидаги қарор таъкидланганлигини кўкка кўтариб, буни НАТО кенгаши сессиясининг бош якуни деб кўрсатди. Аммо унинг нутқида Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет-Америка музокараларини йил охирига бориб яна бошлаш эҳтимоли шунчаки бир эслатиб ўтилади холос.

Бу шуни яна бир бор тасдиқлайдики, Вашингтон Римдаги сессияда шундай музокаларни олиб бориш тўғрисида ўз иттифоқчиларига ваъда берса, даставвал қўлгина мамлакатларда АҚШ ва НАТОнинг милитаристик режаларига қарши норозилик тўлқини кучайиб бораётганлигини пасайтиришга интилди.

Давлат секретарининг нутқида Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда «вазминлик» ва «ҳамжиҳатлик»ка риоя этиш зарурлиги тўғрисида мужмал фикрлар юритилди. Аммо бу фикрларнинг маъзини чақиб кўрилса, шу нарса маълум бўладики, Хейг вазминлик деб аталган сўз остида Даллеснинг Совет Иттифоқини «тийиб туриш» деган машъум иборасини, ҳамжиҳатлик деганда эса Варшава Шартномасидаги мамлакатларнинг бир томонлама ён беришини ҳамда тенглик ва баббаравар ҳавфсизликнинг энг асосий принципини бузишни назарда тутади, холос.

Хейг социалистик мамлакатларнинг ички сиёсати хусусида ваъзхонлик қилаётган бир пайтда Америка маъмуриятининг ҳарбий ҳаражатларни кескин кўпайтириш мақсадида социал эҳтиёжларга ажратиладиган маблағларни ғоят қисқартиришга қаратилган иқтисодий программасига қарши Сиракуза университетида студентларнинг оммавий норозилик намойиши ўтаётган эди.

АҚШ давлат секретарининг масъулиятсизлик билан сўзлаган нутқи Американинг ҳозирги маъмурияти милитаристик васвасани авж олдиришга астойдил киришганлигидан яна бир бор далолат беради. Хейг бу ҳунук ишда Пентагондан ҳам, «Оқ уй командаси»дан ҳам орқада қолмасликка ҳаракат қилаётганлиги кўриниб турибди.

(ТАСС).

Касаба союзлари: съезд руҳи ва иш услуби

БОШҚАРИШ МАКТАБИ

Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва «Совет Ўзбекистони» давра суҳбати

Омма билан, яъни ишчиларнинг (сўнгра эса барча меҳнаткашларнинг) аксар кўпчилиги билан алоқа — касаба союзларининг ҳар қандай ишида муваффақият қозонишнинг энг муҳим, энг асосий шартидир.

В. И. ЛЕНИН

Ўзбекистон касаба союз ташкилотлари КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш йўлида ташаббускорликни тобора кучайтирмоқдалар, меҳнат коллективларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўн биринчи беш йиллик план-топшириқлари, социалистик мажбуриятлар ва муқобил планларини муддатидан илгари адо этиш учун мусобақани авж олдириш ташкилотчилари бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ўтказган Давра суҳбатида шу йўлдаги дастлабки тажрибалар умумлаштирилди. Суратда: давра суҳбати бормоқда.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

«Касаба союз ташкилотларининг вазифалари ва ҳуқуқлари ниҳоят даражада кенгдир, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездига Ҳисобот докладида, — улар меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар, хўжалик, социал ва маданий вазифаларни ҳал қилишда қатнашмоқдалар, социалистик мусобақани, ихтирочиликни ва рационализаторликни ривожлантириш йўлида кўп иш қилмоқдалар».

КПСС XXVI съезди меҳнаткашларнинг кенг тармоқли оммавий ташкилоти — касаба союзлари фаолиятини янада кучайтиришнинг истиқболли йўл-йўриқларини белгилаб берди. Съезд қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун иш услубини қай даражада такомиллаштирмоқ лозим? Касаба союз бошланғич ташкилотлари ўзларига берилган ҳуқуқлардан қандай фойдаланмоқдалар? Коллектив шартномаларни бажаришнинг аҳволи қандай? Меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи Сизни қониқтирадими? Социалистик қонунчиликни бузиш ҳолларига қарши ҳамиша ҳам изчил ва сабот билан кураш олиб бориляптими?

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси билан ҳамкорликда касаба союз бошланғич ташкилотларининг бир группа етакчилари билан ўтказган давра суҳбатида шу сингари масалалар тилга олинди, КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, ўртоқ Л. И. Брежнев съездда қилган Ҳисобот докладида қўйилган вазифалар асосида касаба союз ташкилотларининг ролини янада кучайтириш, улар фаолиятининг усул ва услубларини такомиллаштириш проблемалари қараб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова давра суҳбатини очиб, касаба союз бошланғич ташкилотларининг ўн биринчи бешйиллиқдаги жуда катта вазифаларига муфассал тўхталиб ўтди. Нотиқ ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик кўрсатиш, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши ва дам олишини ташкил этишни яхшилаш, меҳнат қонунчилигига ҳамма ерда оғишмай риоя қилишишга эришишда бошланғич ташкилотларнинг ролига алоҳида тўхталди.

Касаба союз йиғилишида мураббийлик ҳаракатини кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилинди. Бир неча кун ўтмай касалхонамизда мураббийлар кенгаши иш бошлади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Е. Матусевич раҳбарлигида бўлимларда ёш врачлар ва ҳамширалар кекса, етарли ҳаёт тажрибасига эга бўлган ходимларга бириктириб чиқилди. Мураббийлар кенгаши ўтказган яна бир тадбир ёш меҳнаткаш хотирасида бир умр сақланади. Касбларга йўналтириш кечасида ёш врач ва ҳамширалар тантанали ваъда бериб, ўз мураббийлари билан шартнома имзолашди. Мураббийлар шогирдларга медицина асбоб-ускуналарини топширишди. Узоқ йиллар кекса врач қўлида бўлган медицина анжомлари шогирд қўлига ўтди. Уни муносиб олиб юриш, устоз анъанасига содиқ қолишдан бўлак бахт борми? М. Акромов, А. Карненко, Н. Алимова, М. Сармонова, Л. Шийтинина сингари мураббийлар ёшларда касбга садоқатни, беморга меҳр-муҳаббатни, гражданлик фазилатини камол топтирмоқдалар.

— Касаба союз аъзоларининг йиғилишлари ҳар доим ишчанлик билан ўтади. Уларда ўз ишида совуққонликка йўл қўйган ёки бирор камчиликнинг содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар принципиал танқид қилинади. Қабул қилинадиган қарорларда ижрочилар ва қарорни бажариш муддатлари аниқ кўрсатилади. Сўнгра бу қарор коллективнинг ҳар бир аъзосига етказилади. Орадан бирор муддат ўтгач биз бу масалага яна қайтамиз, ижрони текшириб чиқамиз. Буларнинг ҳаммаси бригаликда даволаш-профилактика ишлари сифатини яхшилашга ёрдам бераётир.

Бир пайтлар травматология ва физиотерапия бўлимларида оммавий спорт, маданий-оқартув ишлари суст йўлга қўйилган эди. Бу масалани бир неча бор маҳаллий комитетда муҳокама қилдик. Лекин ишда ўзгариш содир бўлавермади. Шунда биз айнан шу масалага бошқа жиҳатдан ёндашишга — шу бўлимларнинг касаба союз группаларига амалий ёрдам кўрсатишга қарор қилдик. Ишнинг аҳволини муфассал ўрганиб чиқиб, энг муҳим йўл-йўриқларни кўрсатдик. тажрибали касаба союз ходимлари ўзларининг иш методлари ҳақида гапириб беришди. Эндиликда бўлимларда ишлар сезиларли яхшиланди. Коллективимиз медицина ходимлари ўртасида физкультура ва спорт ишлари Бутуниттифоқ кўрниги якунлари бўйича «Спартак» кўнгилли спорт жамияти Марказий Совети ва медицина ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

Студент қурилиш отрядларининг жангчилари мамлакатимиз турли районларида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларида жасорат кўрсатмоқдалар. Айни пайтда Москва, Киев, Харьков шаҳарларидаги автойўл институтлари билан ҳамкорлигимиз ҳам мустаҳкамланиб бораётир. Биз студентларда ўзига юксак талабчанликни, меҳнат қилиш эҳтиёжини чуқур ҳис этиш фазилатини, ўз билимини муттасил такомиллаштириш туйғусини тарбиялаямоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий етукликни таъминлайди, албатта.

Ишчи йиғилишлари — ташаббускорлик мактаби

Светлана МУСАЕВА,

Беруний автотранспорт корхонаси касаба союз комитетининг раиси

— Партия XXVI съезди касаба союз ташкилотлари олдига қўйган кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш миқёслари кенгайган, фан-техника тараққиёти жадал тус олган ҳозирги шароитда ишчи йиғилишларининг шахсни тарбиялашдаги, унинг меҳнат активлигини ва ташаббускорлигини оширишдаги роли айниқса кучайиб бормоқда. Бизнинг транспорт корхонамизда ишчи йиғилишлари белгиланган муддатларда олдиндан пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда ўтказилади. Ишчилар бу йиғилишларда цехлар, бригадалар олдида турган энг муҳим вазифаларни атрофлича қараб чиқадилар, транспортдан фойдаланиш коэффициентини ошириш, меҳнатни ташкил этиш, мусобақани жонлантиришнинг актуал масалаларини кенг муҳокама қиладилар.

Транспортчилар йиғилишида шофер Саъдулла Собиров қиммати ташаббус кўтарди: «Ўн биринчи беш йиллиқда икки беш йиллик шахсий топшириқни бажараман». Транспортчилар коммунистнинг бу ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаб, ўз зиммаларига оширилган мажбурият қабул қила бошлашди. Шу тариқа ишчи йиғилишида беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш ҳаракати бошланди. Бу ҳаракат Беруний ишчилари, қурувчилари, район пахтакорлари орасида кенг қулоч ёйди.

— Маҳаллий комитет Саъдулла Собировнинг ватанпарварлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш мақсадида бир қатор тадбирлар белгилади. Аввало, ҳар бир цех, автомобиль колоннаси ва бригадада ўтган ишчи йиғилишларида илғор шофернинг бу қимматли ташаббуси коллективимизга қандай самара келтириши мумкинлиги ҳақида гапириб берди. Ҳар бир коллектив ўз зиммасига конкрет мажбуриятлар қабул қилди, ўзининг йиллик маррасини, ўн биринчи беш йиллиқда ўзи кўтариладиган юксак довонни белгилаб олди. Шу тариқа бутун корхонамизда ўн биринчи беш йилликни зардоб меҳнат билан нишонлаш, шу йилиёқ планга қўшимча йигирма минг тонна халқ хўжалиги юкларини манзилга етказиб бериш, Эллиққалъа, Ёнбошқалъа, Қирққиз массивларининг чўлқуварларига, район аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш учун кураш авж олиб кетди.

Бу ҳаракатда коллективимизнинг ҳар бир аъзоси фаол қатнашмоқда. Ҳар икки меҳнатчидан бири ўн биринчи беш йиллик шахсий топшириғини муддатидан илгари адо этиш ҳаракатида фаол қатнашмоқда. Ишчи йиғилишлари меҳнат активлигини, транспортчиларимизнинг ижодий ташаббускорлигини жўш урдиришнинг ўзига хос мактаби, кишиларда гражданлик бурчини чуқур ҳис этиш, ўз манфаатини жамият ва давлат манфаатлари билан уйғунлаштириш фазилатини камол топтиришнинг самарали марказига айланмоқда.

Биз жамиятга, жамият бизга

Зоид РАҲМОНОВ,

Самарқанддаги тамакичилик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси

— Совет кишиларининг меҳнати, ҳаёти ва турмуш масалаларини ҳал қилишда касаба союз маҳаллий ташкилотлари маъмурият билан биргаликда тузадиган коллектив шартномаларнинг роли каттадир. У давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини, меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилашни, меҳнат интизомини ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашни назарда тутади. Бизнинг бирлашмамизда бундай шартномаларни тайёрлаш ва қабул қилишда барча мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари бевосита иштирок этадилар, ана шу жараёнда меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги иштироки ҳам ёрқин намоён бўлади. Ишчилар турли йиғилишларда, кенгашларда билдирган истаклар, киритган таклифлар, мулоҳазалар коллектив шартномани ишлаб чиқишда ҳисобга олинади. Меҳнат шароитини яхшиламасдан техника хавфсизлигини таъминламасдан, иш вақтидан унумли фойдаланишга эришмасдан туриб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тасаввур этиб бўлмайди.

Маҳаллий комитет маъмурият билан тузган коллектив шартномада техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, иш жойларини тоза сақлаш ва ишлаб чиқариш участкаларида хавонинг мўътадиллигини таъминлашнинг уч босқичли назорат системаси кўзда тутилган. Уни амалга ошириш учун касаба союз жамоатчи инспекторлари мунтазам иш олиб бораётирлар.

Давра суҳбатида Зоид Тўйчиевич шартномаларнинг бир бўлимига алоҳида урғу берди. Бу бежиз эмас. Чунки, худди шу бўлимда муҳим социал масала хусусида гап боради. Бу масала КПСС XXVI съездида ҳам алоҳида таъкидланди. Ғам болали аёллар, умуман, хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш, улар ишни жамиятимизнинг эртанги гражданлари камолоти билан муваффақиятли қўшиб олиб бора олишлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш хусусида бормоқда. Хотин-қизлар меҳнат шароитини яхшилаш ва улар турмушини енгиллаштириш учун корхонада уларни оғир ишлардан, тунги сменалардан халос қилиб қўйиш программаси ишлаб чиқилди. Пионер лагерлари тармоғи кенгайтирилмоқда. Янгидан 280 ўринли болалар боғчаси қуриш кўзда тутилмоқда. Шаҳардаги бошқа корхоналар билан биргаликда оналар ва болалар санаторийси қурилмоқда.

— Ишчи гвардиясининг муносиб ворисларини камол топтириш, ёш ишчиларни тарбиялаш, ўқитиш, уларнинг меҳнатини ташкил этиш масалалари коллектив шартномада ҳамиша алоҳида ўрин эгаллайди. Биз ёш ишчиларни тажрибали мураббийларга бириктириб қўймоқдамиз. Шу тариқа корхонага ишга келган йигит ёки қиз биринчи кундан бошлаб коллективимиздаги ишчан муҳитга дуч келади. Бирор ҳафта ўтар-ўтмас бизнинг шароитимизга кўниккан кетади. Топшириқларни жон-дили билан бажара бошлайди. Биз ёшлар учун дам олиш кечалари, мунозаралар ўтказаётирмиз. Бадиий ҳаваскорлик ривожлантирилмоқда. Йигит-қизлар ишдан ажралмай туриб ўқишлари учун нимани қилиш лозим бўлса, ҳаммасини бажараётирмиз.

Коллектив шартноманинг ўз вақтида бажариб борилиши коллективда муқимликни вужудга келтиради, одамлар бир маромда, ўзларининг бутун куч-ғайратларини ишнинг муваффақиятига бағишлаб меҳнат қиладилар. Зеро, шахс жамият манфаати йўлида сарфлаётган меҳнатининг салмоғи унинг жамият камолотидан кўраётган манфаатдорлиги билан узвий боғлангандир. Бинобарин жамият манфаати ва шахсий манфаатнинг узвийлиги ишнинг муваффақиятини, планлар муттасил бажарилишини таъминловчи қудратли бир омил бўлиб қолаверади.

Қарор ижроси билан кучли

Сайфуддин ШАМСУДДИНОВ,

Наманган область касалхонаси касаба союз комитетининг раиси

— «Қарор қабул қилингандан кейин, — деди съездда ўртоқ Л. И. Брежнев, — унинг белгиланган муддатда сўзсиз бажарилишига эришмоқ керак. Контролнинг кучайтирилиши ана шунга ёрдам бериши лозим. Бундай контрол мунтазам ва оператив, айни пайтда юқоридан ҳам, қуйидан ҳам амалга оширилмоғи даркор». Биз ўзимизнинг кундалик фаолиятимизда ана шу кўрсатмага оғишмай риоя қилмоқдамиз. Касаба союз ташкилотимизда қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этиш ва уни текширишнинг муайян тажрибаси тўпланган. Биз бугун шунга иқрормиз ки, ижрони кун сайин қунт, сабот билан текшириб бориш катта ёки кичик ҳар қандай камчиликларни даҳол бартараф этиш, энг яхши тажрибаларни ўз вақтида илғаб олиш ва қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Ишни истиқболли кўзлаб планлаштириш муваффақиятнинг гаровидир. Маҳаллий комитет планида ишнинг асосий йўналишлари белгилаб чиқилади. Табиийки, вақти келиб бу йўналишлар бўйича масалалар ўрганилади, улар юзасидан қарор қабул қилинади. Шундан кейин биз қарорни оғишмай бажара бориб, ишда жиддий силжишларга эришамиз.

Илғор тажриба — қанотимиз

Соҳия МУШЕЕВА,

Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси

— Бирлашмамиз тикувчилари, инженер-техник ходимлари жонажон партиямизнинг XXVI съезди қабул қилган қарорлардан руҳланиб меҳнатда ғайрат-ташаббус, ижодкорлик намуналарини кўрсатаётирлар. Ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақанинг ҳаётбахш нафаси участкаларда, цехларда яқол сезилиб турибди.

Биз ана шу социалистик мусобақа илғорларининг тажрибасини пухта ўрганиб, кенг оммалаштирмоқдамиз. Бир кишининг ютуғи коллективнинг мулки бўлиб қолиши, бир тикувчининг фойдали иш усули барча учун муваффақиятга эришиш гаровига айланишида бу катта аҳамият касб этяпти.

Тикувчи Ҳалима Содиқова Коммунистик партиянинг улкан анжуманида қатнашди. У съезд ҳужжатларида баён этилган буюк инсонпарварлик ғояларидан руҳланиб, ўз коллективига олам-олам режалар, мулоҳазалар билан қайтди. Съезд белгатининг беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш учун мусобақани авж олдириш ҳақидаги ташаббуси ҳозир корхонада кенг қулоч ёймоқда. Шуни айтиш кифояки коллектив биринчи квартал планини 104,5 процент адо этди, планга қўшимча 214 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилишга эришди.

— Меҳнатга коммунистик муносабатни ривожлантириш, қимматли тажриба ва ташаббусларни ёйиш социалистик мусобақа авж олишида муҳим омил бўлаётир. Корхонамизда янгийўлликларнинг «Қолоқларсиз ишлаймиз» ҳаракати айниқса кенг ёйилмоқда. Ҳозир бу ҳаракатда 13 цех, 44 бригада қатнашаётир. Ана шу коллективларда 2200 га яқин киши меҳнат қилаётганини назарда тутсак, коллективимиз аъзоларининг асосий кўпчилиги мусобақанинг олдида бораётганлиги яққол кўзга ташланади.

Биз бир беш йилликда икки беш йиллик маррасини эгаллаш учун бошланган мусобақа илғорларининг иш усулларини кенг пропаганда қилмоқдамиз, бу кўникмалар тобора кўпроқ тикувчилар томонидан мукаммал ўзлаштириб олиниши учун зарур чораларни кўрмоқдамиз. Шу кунларда ўн тикувчи бир кунда камида икки кунлик нормани бажариш учун курашмоқда.

3-тикувчилик цехи коллективи «Орамизда прогулчилар ва ишга кечикиб келувчиларга ўрин йўқ» шиорини ўртага ташлади. Цех комитети барча ишчиларни ана шу руҳда тарбиялаш чораларини кўрди. Эндиликда бу ҳаракат бошқа цехлар ва участкаларда ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Тежамкорлик ва иқтисод — шиоримиз

Ҳузур МУҲИДДИНОВ,

Тошкент геология бирлашмаси, «Химгеологнеруд» қидирув экспедицияси касаба союз комитетининг раиси

«Экономика тежамли бўлиши керак». КПСС XXVI съезднинг юксак минбаридан туриб айтилган бу сўзлар геологларимизни иш самарадорлигини оширишга, тежамкорлик ва ихтисос режимини кучайтиришга руҳлантирмоқда. Экспедициямиз аъзолари жуда мураккаб шароитларда кон-қидирув ва тадқиқот ишларини олиб борадилар. Материал, меҳнат ва молия ресурсларидан оқилона фойдаланиш коллективимиз олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришимизнинг етакчи шарти бўлиб қолмоқда.

Экспедицияда иқтисод ва тежамкорликнинг республика кўриги қизғин ўтаётир. Унда халқ контроли группа ва постлари, илмий-техника жамияти бошланғич ташкилоти, ихтирочилар ва рационализаторлар ҳамда меҳнатни илмий ташкил этиш кенгашлари аъзолари фаол қатнашаётирлар. Натижада материаллардан, ҳом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш муттасил яхшиланиб бораётир. Бир йилдагина 3,6 тонна металл, 7,6 тонна труба, 26,2 минг киловатт-соат электр қуввати, 26,1 тонна шартли ёқилғи, кўплаб ёғочтехта тежаб қолинди. Материал сарфлаш нормадагидан уч баравар камайтирилди.

— Иқтисод ва тежамкорлик билан иш юритиш, ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини аниқлаш ва ишга солиш экспедициямиз аъзолари, қидирув партиялари, цех ва бригадаларарo мусобақада ўз аксини топмоқда. Натижада геология-қидирув топшириқлари муваффақиятли бажарилаётир. Айни пайтда ҳали тўла ишга солинмаган резервлар борлигини ҳам таъкидламоқчиман. Бу ўринда гап ижрочиликни, интизом билан дадил ташаббусни, ишнинг қўзини кўра билишни узвий боғлаб юборишу хусусида бормоқда. Ана шундай иш услуби касаба союз комитетига муваффақият келтиради. Аксинча, камчиликларга танқидий кўз билан қарамаслик, улардан тегишли хулоса чиқариб олмаслик коллективда номақбул муҳит қарор топишига сабаб бўлади. Айтмоқчиманки, ҳеч қандай рационализаторлик ёки ихтирочилик таклифи ўз-ўзидан амалга ошмайди. Ҳар бир раҳбар ходим, ҳар бир мутахассис ана шу таклифларнинг коллективга келтирадиган манфаатини партиявий позициядан туриб қадрламоғи, ўз ишида халқ хўжалиги тежамли бошқарилиши керак деган қоидадан келиб чиқмоғи муҳимдир.

Гражданлик туйғуси

Виль УРМОНОВ,

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти касаба союз комитетининг раиси

— Тарбияга комплекс ёндашув проблемаси КПСС XXVI съездида янада чуқурлаштирилди, унинг янги қирралари таърифлаб берилди. Бу вазифани муваффақиятли бажариш тарбия ишига қунт билан ёндашишни, ҳозирги давр идеология иши тажрибасини ҳар томонлама умумлаштиришни тақозо этади. Биз таълим ва тарбиянинг бирлигини таъминлаб, ёшларнинг ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбиясини муттасил такомиллаштирмоқдамиз. Институтимизда ижтимоий касблар факультетлари, касаба союз ва комсомол активи, ёш лекторлар мактаблари ишлаб турибди. Ижтимоий фанлар бўйича студентлар ишларининг конкурслари ўтказилмоқда. Студент қурилиш отрядлари ёшлар учун чиниқиш ва камолот мактаби бўлиб қолди. Студентларнинг ижтимоий-сиёсий практикасини ташкил этиш тобора яхшиланмоқда.

Виль Абдуллаевич шахсни камол топтиришда касаба союзлари иштирокининг хилма-хил формаларига тўхталиб ўтди, бу ишнинг моддий ва маънавий имкониятлари кенгайиб бораётганлигини таъкидлади. Айни пайтда давра суҳбати қатнашчилари ҳалол, сидқидилдан меҳнат қиладиган кишилар орасида жамиятга камроқ фойда бериб, жамият бойлигидан кўпроқ манфаат кўришга интиладиган шахслар ҳам учраб туришини, уларни тарбиялаш ғоят муҳим вазифа бўлиб қолажагини таъкидлашди. Касаба союзлари одамлардаги худбинлик ва мешчанлик кайфиятини, бойлик орттиришга уринишни барҳам топтиришлари, ичкиликбозликнинг олдини олиш чораларини кўришлари лозим.

— Институтимизда меҳнат тарбияси коммунистик тарбиянинг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида ҳам, партия XXVI съезди материалларида ҳам бу вазифанинг актуаллиги таъкидлаб ўтилди. Янги инсонни камол топтиришда социалистик мусобақанинг аҳамияти ғоят катта. Биз социалистик мусобақанинг тарбиявий имкониятидан, студентлар меҳнатини ташкил этишнинг прогрессив формаларидан кенг фойдаланмоқдамиз.

Ҳамма нарса инсон учун

Солижон РАСУЛОВ,

Қўқон суперфосфат заводи касаба союз комитетининг раиси

— Ўн биринчи беш йиллиқда коллективимиз олдида ғоят катта вазифалар турибди. Биз минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришимиз, унинг сифатини яхшилашимиз лозим. Шу мақсадда бир қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Лекин энг муҳим нарса, съезд илгари сурган вазифалар муваффақиятли бажарилишини таъминловчи энг муҳим омил — меҳнаткашларнинг турмуш ва маданий-маиший шароитларини яхшилашдир. Ҳозирги пайтда корхонамизда иккита мактабгача тарбия муассасаси ишлаб турибди. Сўнгги беш йилда 180 дан кўпроқ ишчи-хизматчи уй-жой шароитини яхшилаб олди. Шу кунларда шаҳарда химиклар поселкаси қурилиши бошланмоқда.

Корхонамизда соғломлаштириш пункти ишлаб турибди. Ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини сақлаш, уларни санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Солижон Расулов тилга олган масалалар орасида спортчилар эришаётган ютуқлар алоҳида ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, ўтган йили завод спортчилари мусобақаларда актив қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Айниқса, теннисчилар ва енгил атлетикачилар мусобақаси катта муваффақият билан якунланди. Улар биринчи ва иккинчи ўринни эгаллашди. Ҳозир корхонада 8 спорт секцияси мунтазам ишлаб турибди.

— «Химик» маданият саройи маданий-оқартув ишларини самарали олиб боришнинг муҳим маркази бўлиб қолди. Химиклар, уларнинг оилалари бу ерда ўзларининг бўш вақтларини кўнгилли ўтказадилар. 31 бадиий ҳаваскорлик коллективи, 3 та оркестр Бутуниттифоқ фестивалининг лауреатлари бўлди.

Касаба союз комитети химикларга маданий-маиший хизмат кўрсатилишини, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш чораларини кўрмоқда. Бу масалалар маҳаллий комитетнинг мажлисларида, касаба союз йиғилишларида муттасил қараб чиқилмоқда. Чунончи, меҳнат шароити, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш, оммавий-маданий ишларни кучайтириш, химикларнинг ёзги дам олишини яхши ташкил этиш сингари масалалар қизғин муҳокама қилинди, улар юзасидан қабул қилинган қарорлар изчил бажарилмоқда.

* * *

— Транспортчилар орасида абдужабборовчилар ҳаракати қандай ейилмоқда?

— Бир кунда икки норма? Сифат қандай?

— Илғор тажриба мактаби машғулотларининг самараси ҳақида гапириб берсангиз?

— Маҳсулот ҳажмида сифат белгиси билан чиқарилаётган буюмларнинг салмоғи кўпаймоқдами?

Давра суҳбати қатнашчилари гоҳ у, гоҳ бу нотиққа ана шундай саволлар билан мурожаат қилишар, уларнинг мулоҳазаларини тўлдириб, ўз корхоналаридаги тажрибалар билан ўртоқлашишарди. Жумладан, «Ғузор» совхози касаба союз комитетининг раиси Ч. Жўраев, Самарқанд темир йўл станцияси локомотив депоси касаба союз комитетининг раиси Ю. Легай, 7-қурилиш трести бирлашган касаба союз комитетининг раиси Ю. Торбин ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида техника тараққиётини жадаллаштириш, доимий комиссиялар ишини жонлантириш, меҳнат коллективи ва меҳнат интизоми, социалистик қонунчиликка риоя қилиш, мусобақани янада такомиллаштиришда касаба союзларининг иштироки масаласига тўхталдилар. Касаба союз маҳаллий комитетларининг бир группа раислари республикадаги касаба союз бошланғич ташкилоти раисларига мурожаат қабул қилдилар. Унда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида касаба союз ташкилотларининг ишини янада кучайтириш, меҳнаткашларнинг ҳаёти ва турмуши масалаларини изчил қараб чиқиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда фаол қатнашиш, тежамкорлик ва иқтисод учун курашни авж олдириш учун қизғин ташкилотчилик ишларини олиб боришга даъват этилди.

М. АБДУСАМАТОВА,

Тошкент Олий партия мактабининг тингловчиси.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

ПРАВДА

МИЛЛИОНЛАР МУСОБАҚАСИ

МИНСК. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали). Республика пойтахти яқинидаги Раубичи шаҳарчаси атрофи ўрмонзор. Бу ерда Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган буюк Ғалабанинг 36 йиллигига бағишланган байрам тантаналари яна бир хайрли маросимга қўшилиб кетди. Ажойиб спорт комплексида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан ташриф буюрган моҳир югурувчилар «Правда» газетаси совғини учун анъанавий кроссда ҳал қилувчи баҳсларининг ўтказилиши ўзига хос байрамона тус олди.

Газета совғини учун ўтказилаётган мусобақа оммавийлиги билан диққатга сазовордир. 19 йилдан бери совғин учун кураш анъанавий равишда ўтказилиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида қариб 100 миллион йигит-қизнинг мазкур мусобақада иштирок этиши спортнинг енгил атлетика турини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганлигидан далолатдир. Таниқли енгил атлетикачилардан Т. Казанкина, Н. Олизаренко, Э. Селлин ва С. Ўлмасовалар ҳам ўзларининг маҳорат йўлларини газета совғини учун ўтказилган мусобақадан бошлашган эди.

Маълумки, Бутуниттифоқ финал баҳслари иттифоқчи республикалар пойтахтида ўтказилиб келинмоқда. Бу сафар дастлабки босқич баҳсларида куч синашган 3,5 миллион югурувчи орасидан сараланган 1200 атлетикачи баҳаво Раубичига тўпланди. Иттифоқчи республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарлари, 19 автоном республика, автоном область ва округлардан вакиллар келишди.

Совғин учун курашда республикамиз вакиллари ҳам мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Бу гал 26 нафар енгил атлетикачимиз республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилди. Улар орасида таниқли спортчиларимиз ҳам бор. Республика терма командаси 1361 очко тўплаб РСФСР, Украина, Белоруссия, Ленинград, Москва командаларидан кейин олтинчи ўринни эгаллади.

Спортчиларимиз шахсий ҳисобдаги баҳсларда ҳам бўш келишмади. Жумладан, уч километрга ўтказилган мусобақада андижонлик моҳир енгил атлетикачи, СССР-да хизмат кўрсатган спорт мастери Светлана Ўлмасова, 9 минут 46,4 секунд сарфлаб, иккинчи ўринни эгаллади. Мазкур масофа бўйлаб 16-17 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақада Тошкент области вакили Александр Коваленко 9 минут, 14,8 секунд вақт сарфлаб, ғолиблик супасининг учинчи поғонасини эгаллашга муяссар бўлди.

Бухоролик Ирина Матросова 2 километрга югуришда 6 минут 26,8 секунд вақт сарфлаб, бешинчи ўринни олди. Фарғоналик Ольга Моругина эса 1500 метрли масофа бўйлаб марра сари интилди. Катта-кичик мусобақаларда мухлислар эътиборини қозониб келаётган спортчимиз бу сафар 4 минут 39,9 секундли натижа билан кучли олти енгил атлетикачи сафидан жой олди.

Шундай қилиб, миллионлар мусобақаси деб юритилаётган баҳсга якун ясалди. «Правда» газетаси совғини учун ўтказилган бу мусобақа ҳам жойларда физкультура ва спортни янада ривожлантириш ишига муносиб улуш бўлиб қўшилди, спортчиларнинг маҳоратларини оширишда алоҳида аҳамият касб этди.

Т. УНАБОЕВ.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Киров районида физкультура ва спорт ишлари намунали йўлга қўйилган. Қуйи физкультура коллективларига 40 мингга яқин йигит-қиз жалб қилинган. Бу ерда 5 стадион, 15 спорт зали, 7 сузиш бассейни, 38 футбол майдони ва 200 га яқин спорт майдончаси ёшлар ихтиёрида. Суратларда: 1. Мерган қизлар машғулотда. 2. «Бешариқ» совхози чавандозлик клубининг катта тренери (ўнгдан) Ж. Турдиматов билан чавандоз М. Парпиев. 3. «Искра» колхози дала шийпонида шахмат ўйини. 4. «Москва» колхози полвонлари.

Р. Шамсуддинов фотолари. (ЎзТАГ).

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

* ВЕЛОПОЯГА. Берлинда жаҳон велосипед пойгаси бошланди. Берлин, Прага, Варшава шаҳарлари бўйлаб давом этадиган кўпкунлик пойгада олмалиқлик Ш. Загретдинов ҳам иштирок этмоқда. У 169 километрли биринчи босқич баҳсида маррага иккинчи бўлиб келган эди. Шоҳид иккинчи босқич маррада тўртинчи бўлиб, умумкоманда ҳисобида пешқадамлик қилаётган совет пойгачилари ютуғига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

* ЧИМ ХОККЕЙ. Эркаклар ва аёллар олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионати бошланди. Дастлабки учрашувни Харьковнинг «Авиаинститут» командаси билан ўтказган «Андижанка» қизлари 6:0 ҳисобида муваффақият қозонган эдилар. Москва жисмоний тарбия институти коллективи билан учрашувда (0:4) имконият бой берилди. Эркаклар командалари учрашувларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: СКА (Свердловск) — «Андижанец» — 1:0, «Динамо» (Олмаота) — «Старт» (Ленинск) — 1:0, «Спартак» (Самарқанд) — «Сибсельмаш» (Новосибирск) — 2:1.

* ФУТБОЛ. СССР кубоги учун ўтказилган ҳал қилувчи учрашувда Ростов-Дон армиячилари пойтахт спартакчиларидан устун келиб (1:0), совриндор бўлдилар.

АДАБИЁТ ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Бугун Тошкентда СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Болалар адабиёти советининг «Болалар адабиёти ва КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда интернационализм руҳида тарбиялаш масалалари» мавзуидаги тўққизинчи кўчма совети иш бошлайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг бош редактори Э. Б. БОЙСИНОВ мухбиримизга қуйидагиларни айтди:

— Сўнгги пайтларда партия ва ҳукуматимиз болалар адабиётига алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ҳозир Иттифоқимизда 60 та Болалар адабиёти советлари мунтазам ишлаб турибди. Бугун Тошкентда иш бошлайдиган ва икки кун давом этадиган кўчма Советда ҳам болалар адабиётининг долзарб масалалари кўриб чиқилади. Ҳаммамизга маълумки, ёш авлодни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш борасида КПССнинг тарихий XXVI съезди адиблар ва ноширлар олдига улкан вазифалар, қўйди. Биз бу борада анча-мунча ишларни амалга оширдик. Ноширлар ва адиблар олдида турган янгиданянги вазифалар ҳақида Советимизда бугун СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети республика ва область нашриётлари бош бошқармасининг бошлиғи ўртоқ В. М. Шишигин нутқ сўзлайди.

Советда Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан келган ёзувчи ва ноширлар иштирок этади. Меҳмонлар Совет ишидан сўнг пахтакорлар, қурувчилар, нашриёт ходимлари ишлари билан танишадилар. Республикамиз китобхонлари билан учрашадилар.

ЯНГИ ПАХТА ОМБОРИ

Боёвут пахта заводида 850 тонна хом ашёни сақлайдиган усти ёпиқ омбор қуриб битказилди. Мураккаб лойиҳаларни ҳам, кўп харажатни ҳам талаб қилмайдиган бундай оддий иншоотлар Мирзачўлнинг бошқа хўжалик ва корхоналарида ҳам барпо этилмоқда. Бу йилги пахта териш мавсуми бошлангунгача яна 8 та усти ёпиқ пахта омбори қурилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

УСТОЗ САНЪАТКОР

1973 йил Австриянинг Калагенфурти шаҳрида Тожикистон санъаткорлари катта концерт кўрсатардилар. Шаҳар мэри саҳнага чиқиб табриклади. Меҳмонлар унга ёдгорлик совғалари топширдилар.

— Азиз тожик дўстларим, — деди у, — шаҳримиз аҳолиси азалдан мусиқа шайдолари ва мусиқа билимдонлари. Биз учун келтирган энг яхши совғангиз — хушовоз ҳофизингиз Аҳмад Бобоқулов ижро этган қадимий тожик наволари ва Шубертимизнинг «Серенада»си бўлди...

Австрия, Эрон, ГДР, Ҳиндистон, Канада, ГФР... Бу мамлакатларда унинг санъатига мафтун бўлиб гулдурос қарсак чалганлар. Қарсаклар ҳофизнинг ёқимли ва жарангдор овозига, «Шашмақом», Чайковский ва Пуччини қўшиқларини қиёмига етказиб ижро этган санъаткор маҳоратига берилган баҳо эди.

Ҳофизнинг ижодий йўли характерлидир. Опера саҳнасида Аҳмад Бобоқуловдай забардаст санъаткорнинг пайдо бўлиши маданиятимиз мўъжизасидан даракдир. У «Шашмақом» қўшиқларини ва жаҳонга машҳур операларни ижро этганида кўз ўнгингизда кўкда қанот қоқаётган кабутар кўрингандай бўлади. Ш. Сайфуддинов куй басталаган «Менинг республикам» қўшигини қуйлаётганида эса ўша кабутар Тожикистоннинг беғубор осмонида жавлон ураётгандай туюлади.

Аҳмад Бобоқулов машҳур ҳофиз ва санъаткор Бобоқул ака Файзуллаев оиласида дунёга келди. Ёшлигидан танбур навоси, отасининг куй ва қўшиқлари таъсирида тарбияланди. «Шашмақом»га меҳр қўйиб, борабора куйлашга аэм қилди.

— Ана буниси «Зебонари» авжи, ана буниси эса «Мухайяр», — дерди Бобоқул ака ўғлига. — Авжини олиш учун домла Ҳалим овозига ўхшаган баланд овоз керак.

Аҳмад Бобоқулов ана шу қўшиқларнинг авжини мароминга етказиб куйлашни орзу қиларди... 1948 йил. Москва консерваторияси, доцент Н. Карин синфи. Овоз тарбияси ва жаҳонга машҳур опералар билан таниишиш ёш санъаткор тафаккурига сайқал берди. С. Баласаняннинг «Бахтиёр ва Нисо» операсида Бахтиёр родини ижро этди ва тожик мусиқаси тарихида янги саҳифа очди. 1957 йили Москвада Тожикистон адабиёти ва санъати декадаси ўтарди. СССР Катта театри саҳнасида халқ қўшиқлари қаторидаги Леонковаллонинг «Паяцци» ва З. Шохидийнинг «Комде ва Мадан» операларидан жуда мураккаб парчаларни ижро этиб, ҳаммани мафтун этди. Бора-бора рус, украин, итальян тилларида ариялар ижро эта бошлади.

Ҳаммадан ҳам муҳимроғи, ҳофиз навқирон тожик операси ривожига катта ҳисса қўшди, композиторларга яқиндан ёрдам берди.

Ниҳоят, Ё. Сабзановнинг «Қайтиш» ва Ш. Сайфиддиновнинг «Рудакий» операларининг овозига мос тарада яратилди. Бу операларда асосий ролларни муваффақият билан ижро этганлиги учун артистга Рудакий номидаги давлат мукофоти берилди. Кейин кўкрагида Ленин ордени порлади.

Олтмишинчи йилларда Аҳмад Бобоқулов мамлакатнинг кучли драматик тенорлари қаторида шуҳрат қозонди.

«Наврўзи сабо», «Наврўзи ажам»... Қандай гўзал номлар! Аҳмад Бобоқулов кечалари Фазлиддин Шаҳобовнинг танбур чалишларини ва Шоҳназар Соҳибовнинг куйлашларини эслаб, беихтиёр қўлига танбур олиб, безавол «Шашмақом» қўшиқларини ижро этади.

— «Шашмақом»нинг «Ораз дугоҳ», «Мутулчаи дугоҳ» қўшиқларини куйлаб, отамнинг нечун доим уларнинг баланд авжи тўғрисида гапирганини тушундим, — дейди ҳофиз. — Тушундимки, «Шошмақом»ни ижро этиш учун баланд овоз ва, муҳимроғи, махсус тайёргарлик керак экан. Ахир, мақомчилик профессионал санъатдир.

Ҳеч эсимдан кетмайди. Самарқанд шаҳрида халқаро мусиқа симпозиуми ўтарди. Шердор мадрасасида «Сарахбори сегоҳ» қўшиғи жаранглади. Ҳужра шифтига кўз тикдим. Аҳмад Бобоқулов овози гўё унинг пештоқига урилиб, осмонга учарди.

Жаҳоннинг машҳур мусиқа арбоблари Аҳмад Бобоқулов маҳоратига юксак баҳо бердилар.

— Мен Бобоқулов куйлашини Пуччинининг «Тоска» операсида тинглагандим,— деди профессор В. Виноградов, — Аммо ижодий диапазонининг бунча кенг эканлигини биринчи бор кўришим. Ана буни санъат дейдилар, ана буни баланд авж дейдилар...

Севимли ҳофизимиз билан суҳбатлашиб, «Ижодий режаларингиз қандай?» деб сўрагинимда, жилмайиб, «Куйлайман, қўшиқ айтамиз, халқ биздан янгиданянги қўшиқлар кутмоқда», деди ва ўйлаб туриб қўшиб қўйди: «Фақат куйлаш озлик қилади, ёшларга сабоқ бериш керак. «Шашмақом»ни янги нашрга тайёрлаш керак».

Покдил, оқил, тожик, совет вокал санъатининг яловбардори... СССР халқ артисти Аҳмад Бобоқуловга хос фазилатлар ана шулардир.

Аслиддин НИЗОМОВ, санъатшунос.

Душанба шаҳри.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ОЛИС ДУНЁЛАРНИНГ ВУЛҚОНЛАРИ

Космосдан келувчи метеорлар Харьков радиоэлектроника институти олимларининг галактикамизда вулқон фаолияти тўхтамаган планета системалари борлиги тўғрисидаги тахминларини тасдиқлашга ёрдам берди.

Олий ўқув юртида ишлаган автомат радиолокация системаси ёрдами билан шу нарса исбот қилинди. Бу аппарат ер атмосферасига ғоят катта тезлик билан учиб кирувчи қаттиқ зарраларни ҳар секундда «кўриб тура олади». Бу зарралар ёнаётиб, кўпкилометрли ионлашган из қолдиради ва шу из локатор нурининг қараш майдонига тушади. Шундай изларнинг анс этган радио тўлқинларни аппаратнинг қабул қилувчи қурилмаси қайд этади. Ҳисобдон машина қабул қилинган радио тўлқинни ишловдан ўтказади ва бундан зарраларнинг манбаи қандай эканлиги тўғрисида фикр юритишга имкон берувчи маълумотларни чиқазади. Ҳисобларнинг кўрсатишича, йил мобайнида рўйхатга олинган 50 минг метеордан 400 таси галактика қаъридан келган. Уларнинг олис космик фазога саёҳати планеталарнинг йўлдошларидан бошланган бўлса керак.

Тадқиқотлар юлдузлараро фазода фотон нурланиш ҳолидаги алоқадан ташқари моддий зарралар алмашинуви ҳам борлигини кўрсатади. Бу нарса галактика тўғрисидаги илмий тасаввурни кенгайтиришга имкон беради.

(ТАСС).

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Халқлар дўстлиги орденли «Ўзбекистон» нашриёти қуйидаги китоб ва брошюраларни нашрдан чиқарди

ХУДОИБЕРГАНОВ О. **Жўшқин қўшиқ.** Китобчада Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги Димитров номли колхознинг машҳур бригада бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, марҳум Искандар Оллоберганов-нинг юқори ҳосил етиштириш соҳасидаги иш тажрибаси, изланишлари, ҳаёт фаолияти қизиқарли лавҳаларда ҳикоя қилинган.

ХОЛЛИЕВ Х. **Сув келтирган азиз.** Сув — ҳаёт манбаи. Бу гап бежиз айтилмаган. Сув тирик жон учун ҳам, ўсимлик дунёси учун ҳам ҳамиша ҳаво сингари биринчи эҳтиёж. Ариқ қазиб сув чиқарган элда азиз. Ушбу китобчада ҳоразмлик ирригаторларнинг машақкатли меҳнати, серташвиш ҳаёти, Амударё тошқинига қарши курашдаги оммавий жасорати акс эттирилган.

РАСУЛЕВ М. **Товар-пул муносабатлари ва коммунистик қурилишда ундан фойдаланиш.** Рисолада марксчаленинча назария асосида товар — пул муносабатлари кўриб чиқилган, уларнинг коммунистик қурилиш босқичларидаги ривожланиши таҳлил қилинган. Шунингдек, товар-пул муносабатлари қонунлари, категорияларининг социализмдаги моҳияти ва халқ хўжалиги соҳаларида улардан фойдаланиш масалалари таҳлил этилган.

ТУРОНОВ Н. **Сурхон воҳасининг «оқ олтин»и.** Муаллиф китобчада Сурхон воҳаси меҳнаткашларининг ингичка толали пахта етиштириш соҳасидаги тажрибалари ва ана шу тармоқнинг истиқболлари ҳақида қисқа қилади.

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

ФАРҒОНА

КОМПЛЕКС КЕНГАЙМОҚДА

Фарғона ўрмон хўжалиги қуёнчилик фермаси комплекси каторига яна бир бино қўшилди. Фарғона район колхозлараро қурилиш ташкилоти бунёдкорлари томонидан барпо этилган янги қуёнхонанинг ишга туширилиши хўжаликда қуёнчиликни тезроқ ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Хўжаликда яна янги қуёнхоналар қуриш режаси тузилмоқда.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Қўқон халқ театри репертуари яна бир янги асар билан бойиди. Ижодий коллектив маҳаллий драматург К. Олимованинг «Овсинлар можароси» асарини томошабинларга тақдим этди. Совет турмуш тарзидан баҳс этувчи бу асарда жумладан, айрим кишилар онгида учраб турадиган сарқитлар танқид остига олинади.

Асарни ёш режиссёр Г. Боболева саҳналаштирган.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Олга, болакайлар. 10.50 — Болалар учун фильм. 12.10 — Фильм-балет. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Концерт. 16.20 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 17.20 — Олимпиада иншоотларининг архитектураси. 18.00 — Руминия Социалистик Республикаси халқ чолғу оркестрининг концерти. 18.30 — Ҳунар-техника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатилади. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — Узун кунлар, қисқа ҳафталар. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қувноқ йигитлар. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Футбол шарҳи.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

18.20 — Сўз кетидан сўз келар. 18.40 — Мультфильм. 19.00 — Жонажон ўлка. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 22.25 — Ватанғадолар. Бадиий фильм. 2-серия.

II

18.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 19.10 — Минг йиллар оша алоқа. 19.30 — Эстетика асослари. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Назарий механика.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — М. Дадабоева ва М. Ҳасанова ижро этади. 9.35 — Ўзбекистон — қўшигим менинг. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвачилик зарбдор фронт. 14.00 — Агротехника ва ҳосил. 18.15. — Ешлик 20.50 — Илмий изланишларни координациялаш — самарадорликни ошириш воситаси. 21.00 — Шеърият кечаси. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Лазги ансамбли ижро этади. 23.15 — Лирик концерт.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 216-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: йўл қурилиш машиналарини ремонт қилувчи слесарлар, бўёқчи ва сувоқчилар, дурадгорлар, электр пайвандчилар, конструктор-монтажчилар, автомобилларнинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар ўзлари танлаган мутахассисликлари билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат ҳам оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчилар техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма оладилар ҳамда имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, формали кийимлар ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Булардан ташқари ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган ҳақларининг 50 процентини мукофот тариқасида оладилар.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўрта маълумотли йигитлар учун қуйидаги ихтисослар бўйича беш ойлик курслар ташкил қилинади: ДУРАДГОР, ҚУРИЛИШ БЎЁҚЧИСИ. Курсларни битирганларга 3, 4-разряд берилади. Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юрти қошида танланган касблари бўйича тўгараклар мунтазам равишда иш олиб боради.

ЎҚУВЧИЛАР ЕЗГИ КАНИКУЛНИ ЧИМЕНДА ЖОЙЛАШГАН ЛАГЕРДА ЎТКАЗИШЛАРИ МУМКИН.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, турар жойидан справка, соғлиги ҳақидаги справка, 3x4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунидан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, А-4 (25, 28, 29-трамвайларнинг сўнгги бекати, 24-автобуснинг «А-4» бекати).

В. А. БУГАЕВ НОМЛИ ЎРТА ОСИЁ РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (САНИИ) вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: агрометеорология лабораториясига — ҳисоблаш математикаси ва ЭХМда программалаш ихтисоси бўйича, ташқи муҳитнинг ифлосланишини ўрганиш бўйича шартнома ишлари группасига.

Конкурс муддати — 17 майгача.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: Тошкент шаҳри, Г-52, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефонлар: 33-61-13, 35-80-59.

Узбекистон ССР Давлат план комитетининг ИЛМИЙ-ТЕХНИКА АХБОРОТИ ВА ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

оғир саноат, транспорт, алоқа ва геология соҳасида илмий-техника ахборот ва техник-иқтисодий тадқиқотларни умумлаштириб, илмий таҳлил қилиш бўлимининг катта илмий ходими вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 25 майгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй. Телефон: 44-28-83.

«ПЕРМСЕЛЬХОЗРЕМОНТ» ишлаб чиқариш бирлашмаси Э-153, Э-2621, Э-2515, Э-1514 марали экскаваторларни

КАПИТАЛ РЕМОНТГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: 614022, Пермь шаҳри, Казанцевская кўчаси, 2-уй. Телефон: 37-67-24.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да Алмандар (18.30), 13/V да Келинлар қўзғолони.

МҲКИМИН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/V да Тошкентнинг нозанин малиқаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ФАҚАТ 10 КУН 13 майдан бошлаб

КУЛГИ КЕЧАСИ ПРОГРАММАДА

МОСКВА ЦИРКИНИНГ 10 ТА МАСХАРАВОЗИ ИЖРОСИДА КЛОУНАДАЛАР, РЕПРИЗЛАР, МИНИАТЮРАЛАР, ЮМОР, ИНТЕРМЕДИЯЛАР.

«ТОМОШАБИНЛАРНИНГ БЕГЕМОТДА САЙР ҚИЛИШЛАРИ»

Сценарий автори — ЮРИЙ НИКУЛИН.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари 13, 16, 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

44-35-91, 44-35-84 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ 31 май соат 10.00 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 32-уй.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси ва пропаганда — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; стенографистка — 33-73-43, 32-54-15; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-03-27; Қурҳондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-84; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-00-50.

Р. 01982. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 109. 6'